

**Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда оила,
маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни**

Топилдиев Одилжон Рахимжонович

*Наманган давлат университети “Мусиқа таълими ва
маданиятишунослик” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент*

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук, жисмонан соғлом, фидойи, ватанпарвар этиб тарбиялаш, уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу даврда, мамлакатда ёшлар билан ишлашнинг хукуқий асослари тўла ёритиб берилди. Хусусан, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги (янги таҳрири 2016 йил қабул қилинди) қонун, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили”, “Соғлом она ва бола йили”, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши натижасида қабул қилинган давлат дастурлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2124-сонли қарор, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹, 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909 сонли қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 20 апрель.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

январдаги “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепцияси”² каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларга оид ислоҳотларни тизимли, босқичма-босқич амалга оширишга ҳамда жамият барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра ёшларни қўллаб-куватлаш, уларда ватанпарварлик туйғуларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар янада ривожлантирилиши белгилаб берилди. Бу ўринда оила, маҳалла ва таълим муассасалари - ҳақиқий маънавий тарбия омили сифатида ёшлар билан иш фаолиятни олиб борища мухим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунки, бугун бизга маънавияти теран, ўз мустақил фикрига эга билимли, ватанпарвар ёшлар керак. Ушбу мухим стратегик вазифани ҳал қилиш ҳозирги кунда кўп жихатдан оила, маҳалла, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг биргаликда самарали фаолият олиб боришини талаб этади. Дарҳақиқат, ёшлар маънавияти, дунёқараши, эътиқодига алоқадор қўникмалар мажмуи асосан оила, маҳалла ва таълим муассасалари мұхитида шаклланади. Бу ўринда тарбия жараёни иштирокчилари саъй-харакатларини бирлаштириш мақсадида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги ёшларни маънавий баркамол, ватанпарвар қилиб тарбиялаш учун кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш мухим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшларда ҳалқ ва юрт тақдири учун фидоийлик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш мухим ўрин тутади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепцияси” 2021 йил 18 январдаги 23-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/5234746>

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

2023 йил 29 июнда қабул қилинган “2023 – 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси” 267-сонди Қарори³ муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиши, мазкур йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини янада ошириш, ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш «Ватан — улуг, бурч — муқаддас!» концептуал ғоя остида ташкил этилиб, унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама ривожлантириш, қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсни шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига қўйидагилар асосий вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади:

- ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари, маънавий сифатлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тарбиянинг ягона тизимини яратиш;
- ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу-шуурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;
- буюк тарихимиз, улуг аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш;
- Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз қўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2023 йил 29 июнда қабул қилинган “2023 – 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси” 267-сонди Қарори // <https://lex.uz/docs/6518238>

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бурч эканини ёшлар онгига сингдириш;

- ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш кўникумаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган гаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш;

- худудларда туркум ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда «Жасорат мактаби» номли ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларини ўтказиш орқали ёшлар онгига миллий армиямизга бўлган ишонч ва ҳурматни янада ошириш, ҳарбий хизматни ўташ Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш;

- умумтаълим мактабларида чақиравгага қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишининг сифатини ошириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиш ҳамда шу орқали ўқувчи ёшларда ҳарбий хизмат, уни ўташнинг ҳуқуқий асосларига оид билимлар ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш;

- Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар оммасига кенг етказиш;

- ёшларда аждодларимиз ва ота-боболаримизнинг Ватанни ҳимоя қилишга оид анъана ва қадриятларига садоқатли бўлиш хусусиятларини шакллантириш;

- Ватанни ҳимоя қилиш, уни асраш тўғрисидаги замонавий тушунчаларни, дунёқарашни, мазкур масала бўйича шахсий эътиқодни шакллантириш ва мустаҳкамлаб бориш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарликларини оширишга ёрдам берувчи таълим-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда оила,

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига қўйидагиларни амалга ошириш ҳам муҳим самара беради:

- маъруза ўқиши, савол-жавоб кечалари, якка ва жамоавий сұхбатлар ўтказиш;
- бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган шахслар билан учрашувлар ташкил қилиш;
- илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишлиланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра сұхбатлари ўтказиш;
- тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш;
- жамоатчилик фикри ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш;
- телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадиий ва мусиқий асарлар, аскар қўшиқлари, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар, электрон ўйинлар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;
- уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар ҳаракатлар қатнашчилари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш;
- ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни, мардлик сабоқларини ўтказиш ва экскурсиялар уюштириш.

Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда қуйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Тизимли равишда ёшларни қизиқтирган масалалар, бўш вақтни тўғри ташкил этиш каби муаммоларни мунтазам ўрганиш ва миллий мерос, қадриятларимиз, урф-одатларимизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида миллий ўйинлар бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш;

Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида ёшлар орасида иш билан бандлик, тадбиркорлик билим ва кўникмаларини шакллантириш

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бўйича мастер класс, семинар тренинглар ўтказиши;

Бугунги глобаллашув даврида ёшларни оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида оммавий маданият, диний экстремизм, терроризм ва бошқа таъсирлардан ҳимоя қилиш учун мунтазам равища мутахассисларни жалб қилиб ёшларни ёт, радикал ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси остидаги давра сұхбатлари ҳамда учрашувларни ташкил этиш;

Маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида ёшларни маданият, санъат, спорт, тил ўргатиши, ахборот технологияларидан фойдаланишини йўлга қўйиш борасида бепул тўгараклар фаолиятини ташкил этиш;

Маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига ёшларни қуролли кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар иштирокида “Уч авлод учрашуви”, “Эъзоз ва эҳтиром” маънавий-маърифий тадбирларини ташкил этиш ҳамда ҳарбий қисм муассасаларида фаолият юритаётган музейлар, “Ватанпарварлар” боғларига ташрифларини амалга ошириш;

Ёшлар муаммоларини ўрганиш мақсадида маҳалла ва таълим муассасаларида ижтимоий тадқиқотлар, социологик сўровлар ўтказиши, маслаҳат марказлари иш фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилинадиган бўлинса, хилма-хил усусларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари жисмонан соғлом, маънавий баркамол, Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга содиқлик, тарихий ва маданий қадриятларни сақлашга интилиш каби фазилатларни ривожлантиришга хизмат қиласи. Зеро, янги минг йилликда давлатларнинг, ҳалқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, балки интеллектуал салоҳияти етук, ҳар томонлама ривожланган, ватанпарвар, мард, жасур, юксак маънавиятли ёшлар ҳал қиласи. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшлар тарбияси факат оилада ёки таълим муассасаларида эмас, балки бутун жамоатчилик олдидаги ўта муҳим долзарб вазифадир.